



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2026

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№3 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-3>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'afvor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)  
**Umarxonova Dildora Sharipxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nematov Jo'rabek Nematilloevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)  
**Ahmad Issa Altweissi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)  
**Mexmonov Kambariddin Miradxamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)  
**Borut Strazisar**  
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliyev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzayev Aziz**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)  
**Qo'shayev Nurali Mahmudovich**  
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


<b>1. Чориева Хуршидабону Хуррам кизи</b> ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР, ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ.....	5
<b>2. Ражабова Хулкар Тошмановна</b> ПРОБЛЕМЫ ЗАЩИТЫ ПРАВ ПОТРЕБИТЕЛЕЙ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ.....	14
<b>3. Ruzinazarov Shuxrat Nuraliyevich</b> RAQAMLI TADBIRKORLIK FAOLIYATINI HUQUQIY TARTIBGA SOLISHNING ZAMONAVIY RIVOJLANISH TENDENSIYALAR.....	22
<b>4. Саидова Нигорахон Акмал кизи</b> ПРАВОВАЯ КВАЛИФИКАЦИЯ ОПЕРАТОРОВ ОНЛАЙН-МАРКЕТПЛЕЙСОВ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ДОКТРИНАЛЬНЫХ МОДЕЛЕЙ.....	35
<b>5. Шамшетов Шарафатдин Сарсенович</b> ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОЙ СТАТУС ЗАЕМЩИКОВ В МИКРОКРЕДИТНЫХ ОТНОШЕНИЯХ.....	46
<b>6. Ibragimova Rayxon Shodmon qizi</b> FUQAROLIK SUD ISH YURITUVIDA TARJIMON ISHTIROKINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	55
<b>7. Adembayev Aralbay Kuralbayevich</b> TRANSPORT VOSITALARI HARAKATI YOKI ULARDAN FOYDALANISH XAVFSIZLIGI QOIDALARINI BUZISHNI KVALIFIKATSIYA QILISH.....	62
<b>8. Акбутаев Ойбек Бакирович</b> ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ УМУМИЙ ШАРТЛАРИНИ ТАСНИФЛАШ МЕЗОНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	70
<b>9. Лутфуллаева Мадинабону Жамшидхон кизи</b> ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ГАРАНТИИ ПРАВ ПОДОЗРЕВАЕМОГО ПРИ ЗАДЕРЖАНИИ.....	79
<b>10. Yadgarov Shohruh</b> SHANXAY NAMKORLIK TASHKILOTI: XALQARO HUQUQ SUBYEKTLILIGI, HUQUQIY MAQOMI.....	86
<b>11. Xolmirzayev Muhsinbek Shavqiddin o'g'li</b> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA JINOYATCHILIKKA QARSHI KURASHISHDA KRIMINOLOGIK PROGNOZLASHNING AHVOLI, SOHADA AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLAR.....	92
<b>12. Primov Baxtiyor Olim o'g'li</b> SUD TIZIMIDA KORRUPSIYAGA QARSHI KURASH VA UNI OLDINI OLISH MASALALARI.....	103



**Чориева Хуршидабону Хуррам кизи,**  
 Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
 Ижтимоий фанлар факультети Ҳуқуқий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси  
 E-mail: choriyevahurshida@gmail.com

**ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ:  
 ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР, ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОН  
 ҚОНУНЧИЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ**

**For citation:** Choriyeva Xurshidabonu Xurram kizi. IMPROVING GUARDIANSHIP AND TRUSTEESHIP: INTERNATIONAL STANDARDS, FOREIGN PRACTICE, AND MODERNIZATION OF UZBEKISTAN’S LEGISLATION. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 3.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.20377639>

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. Тадқиқотда васийлик ва ҳомийлик институтининг аҳамияти, болалар ва лаёқати чекланган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрни ҳамда мавжуд ҳуқуқий-ташкилий муаммолар ёритилган. Шунингдек, давлат хизматларини рақамлаштириш, электрон ахборот тизимларини жорий этиш ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш орқали васийлик фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятлари асосланади. Мақолада миллий ва хорижий олимларнинг илмий қарашлари, халқаро стандартлар ҳамда Россия, АҚШ, Европа Иттифоқи ва Финляндия тажрибалари қиёсий таҳлил қилинган. Тадқиқот натижасида қонунчиликни модернизация қилишга доир амалий таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** васийлик, ҳомийлик, болалар ҳуқуқлари, рақамлаштириш, сунъий интеллект, электрон давлат хизматлари, патронат оила, халқаро стандартлар, қонунчиликни такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя.

**Чориева Хуршидабону Хуррам кизи,**  
 Старший преподаватель кафедры юридических наук факультета социальных наук  
 Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека  
 E-mail: choriyevahurshida@gmail.com

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОПЕКИ И ПОПЕЧИТЕЛЬСТВА: МЕЖДУНАРОДНЫЕ  
 СТАНДАРТЫ, ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И МОДЕРНИЗАЦИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА  
 УЗБЕКИСТАНА**

**АННОТАЦИЯ**

В статье рассматриваются вопросы совершенствования Закона Республики Узбекистан «Об опеке и попечительстве» с учетом современных требований. Анализируется значение институтов опеки и попечительства в обеспечении прав детей и лиц, нуждающихся в

социальной защите, а также выявляются существующие правовые и организационные проблемы. Особое внимание уделяется цифровизации государственных услуг, внедрению электронных информационных систем и использованию технологий искусственного интеллекта для повышения эффективности деятельности органов опеки. В работе представлены научные подходы отечественных и зарубежных ученых, а также сравнительный анализ международных стандартов и практики отдельных государств. По результатам исследования сформулированы предложения по модернизации законодательства в сфере опеки и попечительства.

**Ключевые слова:** опека, попечительство, права ребенка, цифровизация, искусственный интеллект, электронные госуслуги, патронатная семья, международные стандарты, модернизация законодательства, социальная защита.

**Choriyeva Xurshidabonu Xurram kizi,**

Senior lecturer at the Department of Legal Sciences of the Faculty of Social Sciences  
of National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

E-mail: choriyevahurshida@gmail.com

## **IMPROVING GUARDIANSHIP AND TRUSTEESHIP: INTERNATIONAL STANDARDS, FOREIGN PRACTICE, AND MODERNIZATION OF UZBEKISTAN'S LEGISLATION**

### **ANNOTATION**

This article examines the issues of improving the Law of the Republic of Uzbekistan “On Guardianship and Trusteeship” in line with modern requirements. The study analyzes the role of guardianship and trusteeship institutions in protecting the rights of children and vulnerable persons, as well as existing legal and organizational challenges. Special attention is paid to the digitalization of public services, the introduction of electronic information systems, and the use of artificial intelligence technologies to enhance the efficiency of guardianship authorities. The article also reviews the views of national and foreign scholars and provides a comparative analysis of international standards and foreign practices. Based on the research findings, practical proposals for the modernization of guardianship legislation are formulated.

**Keywords:** guardianship, trusteeship, children’s rights, digitalization, artificial intelligence, e-government services, foster care, international standards, legislative reform, social protection.

Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуни 2014 йилда қабул қилиниб, етим болалар ва қарамоғсиз қолган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасини тартибга солиб келмоқда [1]. Мазкур Қонун васийлик (*ўн тўрт ёшгача бўлган болалар ёки суд томонидан лаёқатсиз деб топилган катталар учун*) ва ҳомийлик (*14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ёки лаёқати чекланган катталар учун*) институтини белгилаб берган бўлиб, уларнинг асосий мақсади тарбияга муҳтож шахсларни оила муҳитида парваришlash ва уларнинг мулкий ҳамда шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Шу билан бирга, қонун болаларнинг оилада тарбияланиш ҳуқуқини устувор тамойил сифатида эътироф этган. Яъни ҳар бир бола имкони борича оила муҳитида улғайиши кераклиги давлат сиёсати даражасида белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда мазкур қонунни замон талаблари асосида янада такомиллаштириш зарурати туғилмоқда. Жумладан, давлат хизматларини рақамлаштириш, болаларни оилавий тарбияга жойлаштириш жараёнларини электрон тизимга ўтказиш ҳамда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали васийлик ва ҳомийлик фаолияти самарадорлигини ошириш долзарб вазифа саналади. Қуйида шу йўналишдаги муаммолар, илмий қарашлар ва хорижий тажрибалар таҳлили асосида қонунчиликни модернизация қилиш йўллари кўриб чиқилади.

Амалда васийлик ва ҳомийлик соҳасида бир қатор бюрократик муаммолар мавжуд бўлиб, улар қонуннинг замонавий талабларга жавоб бермаслигини кўрсатади.

Биринчидан, ҳозирги тартибда васийликка (ёки фарзанд асраб олишга) муружаат қилувчи фуқаролар ўнлаб қоғоз ҳужжатларни тўплаб, идораларга тақдим этишлари талаб этилмоқда. Бундай мураккабликлар рақамли технологияларни жорий этиш заруратини яққол кўрсатади, ҳужжатларни “бир дарча” электрон тизими орқали йиғиш ва зарур маълумотларни идоралараро интеграция платформаси орқали автоматик тарзда олиш тизимини йўлга қўйиш орқали фуқароларнинг сарсонгарчилигини кескин камайтириш мумкин.

Иккинчидан, васийлик органларида ҳисобот ва маълумот алмашинуви кўп ҳолларда қўлда, қоғоз шаклида юритилмоқда. Бу борада мавжуд муаммолар ўрганилиб, қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2022 йилги Президент Фармонида васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш вазифаси қўйилган. Фармонга мувофиқ, етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ягона электрон ҳисобини юритиш, васийликдаги шахслар тўғрисидаги шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини электрон шаклда юритиш, интернат муассасаларига жойлаштирилган болаларнинг электрон базасини яратиш каби чоралар белгиланган [2]. Шунингдек, болани патронат тарбияга олиш истагини билдирган шахсларнинг электрон рўйхатини шакллантириш ва улар билан тузилган шартномаларни ягона базага киритиб бориш талаб этилиб, васийликни белгилашда ортиқча қоғоз маълумотнома тақдим этиш амалиётини бекор қилиш вазифаси қўйилган. Бу тадбирлар васийликка доир маълумотларни қоғозда турли идораларга юбориш ва такрорий ҳужжат талаб қилиш амалиётидан воз кечишга қаратилган бўлиб, бундай ўзгаришларни қонунчиликда акс эттириш уларни амалиётга тўлиқ жорий этиш учун муҳим асос бўлади.

Учинчидан, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш имкониятларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Ривожланган давлатларда болаларни ҳимоя қилиш ва васийликка олиш жараёнларида AI (сунъий интеллект) элементларидан фойдаланиш тажрибалари пайдо бўлмоқда. Масалан, айрим ижтимоий хизматлар тармоғида фарзандларнинг зўравонлик ёки беэътиборликдан жабр кўриш хавфини олдиндан баҳолаш учун **прогностик моделлар** қўлланилмоқда. Бундай алгоритмлар маълум бир оила ёки боланинг “хавф балли”ни ҳисоблаб, қайси ҳолатлар ижтимоий хизматлар эътиборини аввалроқ талаб этишини кўрсатиб бераётгани қайд этилган [3]. Албатта, сунъий интеллект воситаларини жорий этишда эҳтиёткорлик зарур, чунки таълим маълумотларидаги номутаносиблик ва инсон омили туфайли алгоритмлар нотўғри тавсия бериши мумкин.

Масалан, 2022 йилда АКШнинг Пенсильвания штатида болалар ҳақида чақириқларни саралашда қўлланган модель назоратсиз ҳолда қора танли болаларни текширувга тавсия қилиш ҳолатларини 20%га кўпроқ баҳолаган (*кейинчалик ижтимоий ходим аралашувидан сўнг бу фарқ 9%га туширилган*) [3]. Шу боис, AI билан боғлиқ қарорларга инсон назоратини сақлаган ҳолда ёндашиш муҳимдир.

Шунга қарамай, Ўзбекистонда васийликка муҳтож шахслар ҳақида яхлит электрон маълумотлар базаси шаклланса ва у сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиб борилса, турли муаммоларни эрта босқичда аниқлаш ва тегишли идораларни огоҳлантириш мумкин бўлади. Масалан, электрон база орқали васийликдаги болаларнинг ҳолати, уларнинг соғлиги ва таълимга оид маълумотлари доимий мониторинг қилинади, сунъий интеллект эса катта маълумотлар (Big data) таҳлили асосида қайси ҳудудларда болалар учун хавф омиллари юқорилигини аниқлаб, ваколатли органларга тезкор маълумот беради. Бундай технологиялар қонунчиликда ҳуқуқий асосга эга бўлса, фикримизча, васийлик соҳасида ҳам замонавий усуллардан самарали фойдаланиш мумкин бўлади.

Келтирилган далиллар шуни кўрсатадики, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунни ахборот технологиялари билан такомиллаштирган ҳолда қайта кўриб чиқиш зарур. Қонунга васийликка доир электрон маълумотлар базасини юритиш, “Электрон ҳуқумат” орқали васий тайинлаш ҳамда ҳисобот бериш тартибларини жорий этиш, шунингдек идоралараро маълумот алмашинувини автоматлаштиришга оид нормалар киритилиши мақсадга мувофиқ.

Бундай ўзгаришлар аҳолига хизматларни тез ва қулай олиш имконини бериб, болалар ва васийликдаги бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ҳам кучайтиради. Рақамли

ечимлар васийлик жараёнларида шаффофликни таъминлаб, ортиқча қоғозбозлик ва сансалорлик ҳолатларини бартараф этади. Шу боис, қонунга киритиладиган бу каби ўзгартишлар васийлик тизимини замонавий босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Васийлик институтини такомиллаштириш масалалари бўйича мамлакатимиз ва хориж олимлари турли илмий қарашлар илгари суришган. Хусусан, айрим тадқиқотчилар эътиборни ушбу соҳада идоралар фаолиятини рақамли трансформация қилиш заруриятига қаратмоқдалар. Масалан, миллий тадқиқотчи олимларимиздан Х.Чориева васийлик органлари иш жараёнини рақамлаштириш орқали бюрократик кечикишларни камайтириш лозимлигини таъкидлайди [4, С. 460-468]. Унинг фикрича, тартиб-таомилларни автоматлаштириш ва электрон ахборот тизимларини жорий этиш васийликка муҳтож шахслар ҳақидаги маълумотларни тезкор алмашишга, шу орқали қарор қабул қилишни жадаллаштиришга хизмат қилади. Шу каби олимлар рақамли технологияларни қонунчиликка интеграция қилишни қўллаб-қувватлаётгани кўринади.

Бошқа бир йўналишдаги фикрларга кўра, васийлик ва ҳомийлик қонунчилигини такомиллаштиришда болаларни оилага жойлаштиришнинг муқобил шакллари кенгайтиришга эътибор бериш лозим. Улар бола учун энг мақбул муҳит оила эканини илмий тадқиқотлар асосида исботлаб, давлат болаларни муассасаларга жойлаштиришни фақат энг охирги чора сифатида қўллаши ва ҳар имкониятда болани оилавий муҳитда сақлаб қолиши лозимлигини уқтирганлар. Бундай фикрлар илмий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватланади. Масалан, рус ҳуқуқшуноси А.И. Саттарова ҳам ота-она қарамоғисиз қолган болаларни оилавий тарбияга беришни устувор деб билади ва бу борадаги амалиётда ҳал этилмай келаётган бир қатор муаммоларни санаб ўтади [5, С.37]. Хусусан, у васийлик институтининг афзаллиги уни тезкор ва судсиз тартибда жорий этиш мумкинлиги, васийнинг давлатдан моддий кўмак олиши эканини таъкидлар экан, шу билан бирга, фарзандликка олишга қараганда васийлик тартибларини такомиллаштириш зарурлигини қайд этади. Олимнинг қайд этишича, васийликка номзодга қўйиладиган талаблар (*масалан, унинг шахсий хусусиятлари ва мажбуриятлари*) васийликка олинувчига нисбатан камроқ қатъий бўлгани боис, васийлик болаларни жойлаштиришнинг энг кўп қўлланиладиган шаклига айланди, аммо васийликка олиш тартибларида ҳуқуқий ва ташкилий муаммолар мавжудлиги уларни бартараф этишни талаб этади. Шундай қилиб, маҳаллий ва хорижий олимлар болалар ҳуқуқларини таъминлаш учун қонунчиликни янада такомиллаштириш борасида турлича долзарб таклифлар беришмоқда. Бири – рақамлаштириш ва электрон амалиятларни жорий этиш бўлса, яна бири – болаларни оилавий муҳитда тарбиялашнинг ҳуқуқий қафолатларини кучайтиришдир.

Юқоридаги турли фикрларни таҳлил этиб, шуни таъкидлаш мумкинки, олимлар ва экспертлар қонунни замонавийлаштириш борасида бир нечта устувор йўналишларни кўрсатмоқда. Бир гуруҳ мутахассислар ахборот технологиялари ва сунъий интеллект орқали бошқарув самарадорлигини оширишга урғу берса, яна бир гуруҳ болаларни оилавий тарбияда таъминлаш ва уларнинг манфаатларини муҳофаза қилишга доир ижтимоий жиҳатларни мустаҳкамлашни таклиф этмоқда.

Аслида эса, бу икки ёндашув бир-бирини тўлдирувчи чоралар бўлиб, қонунчиликка киритиладиган ўзгартишларда ҳар икки масалани ҳам уйғун тарзда инобатга олиш зарур. Илғор технологиялар болалар ҳақида тезкор ахборот бериш ва назоратни яхшилаш воситаси бўлса, оилавий муҳитга яқин шароитни таъминлаш боланинг психологик ва ижтимоий ривожини учун ҳаётий аҳамиятга эга. Шу боис, олимлар орасидаги бундай илмий мулоҳазалар қонун ижодкорларига ҳар томонлама асосланган ечимларни шакллантиришга кўмаклашади.

Жаҳон миқёсида васийлик ва ҳомийлик соҳасида бир қатор муҳим тенденциялар кузатилмоқда. Биринчидан, болаларни институционал муассасаларга жойлаштириш ўрнига оилавий тарбияга бериб бориш глобал тамойилга айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида ҳар бир бола оила муҳитида вояга етиш ҳуқуқига эгаллиги ва давлатнинг шуни таъминлаши лозимлиги қайд этилган [6]. 2009 йилда БМТ томонидан қабул қилинган Болаларни альтернатив қарамоғи жойлаштиришга оид йўриқномалар [7]да (UN Guidelines for the Alternative Care of Children) ҳам болани

тарбиялашнинг институционал эмас, оилага асосланган шакллари афзал кўриш тавсия этилган.

Кўплаб мамлакатлар кейинги ўн йилликларда етим болалар уйларини қисқартириш ва болаларни оилавий тарбия (foster care) шаклларига ўтказишга йўналтирилган дастурларни амалга оширди. Масалан, Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДХ давлатлари ўртасида 2012 йилда болаларни уч ёшгача бўлган даврда интернат муассасаларига жойлаштирмаслик бўйича минтақавий чақириқ қабул қилинган эди. Айнан шу сиёсат доирасида 2020 йилдан бошлаб мамлакатимизда патронат оила институтини ривожлантириш чоралари кўрилди. Патронат тарбияга олган оилага тўланадиган нафақа миқдори оширилди ва бундай ота-оналарни тайёрлаш бўйича махсус курслар жорий этилди [8]. Умуман олганда, халқаро стандартлар болалар манфаати учун имкони борича уларни оила муҳитида қолдириш ёки тезроқ оилавий тарбияга беришни талаб этмоқда, институционал тарбия эса, фақат истисно сифатида ва сўнгги чора сифатида қўлланилиши лозим.

Иккинчидан, васийлик ва ҳомийликнинг ҳуқуқий асосларини халқаро миқёсда уйғунлаштиришга қаратилган механизмлар мавжуд. Хусусан, хорижда қаровсиз қолган болалар ёки лаёқатсиз шахслар бўйича ваколатли давлат органини аниқлаш ва қарорларни ўзаро тан олиш юзасидан бир неча халқаро конвенциялар қабул қилинган. Масалан, 1961 йилда Гаага конвенцияси болаларни ҳимоя қилишга доир ваколатли органлар ва қўлланиладиган ҳуқуқни белгиловчи қоидаларни ўрнатган бўлиб, унга кўра, вояга етмаганга васийлик тайинлашда асосан боланинг доимий яшаш давлати органлари ваколатли ҳисобланади [9, С.43-48]. Шунингдек, Европада 1980 йилда қабул қилинган махсус конвенция васийлик ва васийликни тиклашга оид суд қарорларини аъзо давлатларда ўзаро тан олиш ва ижро этиш тартибини мустаҳкамлади. Қонунчилигимизни халқаро меъёрларга мувофиқлаштириш доирасида мазкур ҳужжатлар талабларини инобатга олган ҳолда коллизия нормаларини киритиш ва давлатлараро ҳамкорликни таъминлаш масаласини кўриб чиқиши мумкин.

Учинчидан, ногиронлиги бўлган вояга етган шахслар (*ақлий ёки руҳий ҳолати боис ўз ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошира олмайдиган катталар*) учун васийлик мавзусида халқаро майдонда янги ёндашув шаклланимоқда.

2006 йилда қабул қилинган БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси 12-моддаси [10] ҳар бир шахс ҳуқуқ ва лаёқатда бошқалар билан тенг эканини эълон қилар экан, анъанавий васийлик ўрнига “қўллаб-қувватланган қарор қабул қилиш” (Supported Decision-Making) тушунчасини жорий этишни рағбатлантиради. Яъни, ногирон шахсларни умуман лаёқатсиз деб эълон қилиб, улар ўрнига васий қарор қабул қилиш тизимидан воз кечиб, ҳар бир шахсга қариндошлари, мутахассислар ёки жамоатчилик ёрдам бериши орқали ўз қарорларини қабул қилишига имкон яратиш кераклиги таъкидланган. Бу ёндашувга мувофиқ, кўплаб давлатларда катталар васийлиги институти ислоҳ қилиниб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий субъектлигини тўлиқ сақлаб қолишга ҳаракат қилинмоқда.

Масалан, Европа Иттифоқида ногиронлар ҳуқуқлари бўйича фаол ташкилотлар васийлик (guardianship) институтини замонавий ҳуқуқ талабларига номувофиқ деб ҳисоблаб, уни босқичма-босқич тугатиб, ўрнига қўллаб-қувватланган қарор қабул қилиш тизимига ўтишни таклиф этмоқда [11]. Албатта, бу радикал ёндашув бирдан жорий этилмаяпти, аммо айрим мамлакатларда (масалан, Канада, Австралия, Германия ва бошқалар) қонунчиликка шахснинг лаёқатини максимал сақлаб қолган ҳолда васийлик тайинлашга доир чекловчи нормалар киритилди.

Ўзбекистон ҳам “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунни такомиллаштирар экан, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро стандартларни ҳисобга олиши зарур. Яъни, муомалага лаёқатсиз деб топилган катталарга васий тайинлаш тартибига уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мумкин қадар чекламайдиган, қарор қабул қилишда ёрдамга доир механизмларни киритиш масаласи долзарбдир.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда халқаро майдонда васийлик институтини ривожлантиришда бола манфаатларини биринчи ўринга кўювчи, трансчегаравий

ҳамкорликни кучайтирувчи ва ногирон шахслар ҳуқуқларини камситмайдиган янги стандартлар шаклланмоқда. Ўзбекистон мазкур тенденцияларни инобатга олган ҳолда ўз қонунчилигини такомиллаштирса, бир томондан, ўзининг халқаро мажбуриятларини бажарган бўлади, иккинчи томондан, замонавий талабларга жавоб берадиган адолатли васийлик тизимини яратилишига эришилади.

Васийлик ва болаларни оилага жойлаштириш соҳасида айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси миллий қонунчилигимизни ислоҳ этиш учун намуна бўлиши мумкин.

Масалан, **Россия Федерацияси** қонунчилигида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган. 2020 йилги Конституциявий ўзгаришлар билан Россияда “болалар – давлатнинг муҳим устуворлиги” деб эълон қилиниб, ҳар бир боланинг оилада тарбияланиш ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланди [5]. Россия оила қонунчилиги болаларни оилавий тарбияга жойлаштиришнинг тўрт шаклини назарда тутди:

- фарзандликка олиш;
- васийлик ва ҳомийлик;
- қабул қилувчи (патронат) оила;
- давлат болалар уйи (интернат) муассасалари [12].

Ҳозирги вақтда васийлик (опека) ушбу шакллар орасида энг кўп қўлланиладиганидир. Чунки васийни тайинлаш тартиби суд иштирокисиз маҳаллий ҳокимлик қарори билан амалга оширилиб, васийларга бола таъминоти учун давлат томонидан пул тўланади. Шу билан бирга, Россияда етим ва қаровсиз болалар сони ҳалигача юқори даражада қолмоқда. Жумладан, 2022 йилнинг бошида расман 383 мингга яқин бола ота-она қарамоғисиз экани қайд этилган, уларнинг катта қисми васий оилалар ва патронат тарбияда бўлса-да, муайян қисми ҳануз интернат тарбиясида сақланмоқда [5]. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида Россия ҳукумати сўнгги йилларда “профессионал оила” институтларини жорий этиш, васийлик органлари ходимларини махсус тайёрлаш, волонтерлик ҳаракатларини кенг жалб этиш каби чораларни кўрмоқда.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон мазкур қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, “Васийлик ва ҳомийлик” қонунида патронат оила ва васийликка олиш тартибларини аниқлаштириш, васийлик органлари ходимларини тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш ва болаларни оилага жойлаштиришни рағбатлантиришга оид меъёрларни киритиши мумкин.

Ғарб давлатларида васийлик ва фарзанд асраб олиш тизими узоқ йиллик тарих ва ривожланган инфратузилмага эга. Масалан, **АҚШ**да болаларни васийликка бериш ва фарзандликка олиш ишлари электрон маълумот базалари орқали мувофиқлаштирилади. Ҳар бир штат миқёсида васийликка муҳтож болалар ва потенциал васийлар ҳақидаги ахборотларни бирлаштирувчи электрон тизимлар фаолият кўрсатади. Шунингдек, айрим мамлакатларда болалар устидан васийлик ва назорат ишларига илғор технологияларни жалб этиш кузатилмоқда.

Мисол учун, **АҚШ**нинг баъзи ижтимоий хизматлари болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш мақсадида катта маълумотлар таҳлили ва прогностик моделлардан фойдаланишни синаб кўрди. Бу ҳақда юқорида қайд этилган Пенсильвания тажрибасини мисол келтириш мумкин. Унда махсус алгоритмлар ижтимоий хизматларга чақириқларни саралашда кўмаклашгани маълум қилинган эди [3].

Бундан ташқари, Европа Иттифоқи мамлакатларида болаларга васийликка доир суд қарорларини ўзаро тан олиш ва ижро этиш тизими йўлга қўйилган. Мисол учун, агар бир давлатда болага васий тайинланса ёки уни фарзандликка олиш тўғрисида қарор чиқарилса, Европа доирасидаги бошқа давлатлар бу қарорни тезкорлик билан тан оладилар ва ижро этадилар. Бу тажриба халқаро ҳамкорликни талаб этадиган ҳолатларда бола манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон келгусида қонунчиликка шундай меъёрлар киритиб, хорижий давлатлар билан васийликка оид ахборот алмашиш ва қарорларни тан олиш масалаларини тартибга солиши мумкин (*масалан, икки томонлама шартномалар ёки халқаро конвенцияларга қўшилиш орқали*).

Албатта, ҳар бир мамлакатнинг тажрибаси бевосита миллий қонунчилигимизга татбиқ этилишида маҳаллий шароитлар ва қадриятларни инобатга олиш талаб этилади. Масалан, **Финляндия** тажрибаси васийликни назорат қилишда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг афзалликларини яққол кўрсатади.

Бу мамлакатда васийлар ўз васийлигидаги болаларнинг мол-мулки ва манфаатлари юзасидан ҳар йили ҳисобот топширади ва уни электрон шаклда юбориш амалиёти йўлга қўйилган. Махсус васийлик электрон хизмати (**Guardianship e-service**) портали васийлар учун ҳисоботни онлайн тўлдириш имконини беради. Портал орқали аввалги ҳисобот маълумотлари шаблон сифатида тақдим этилиб, кейинги ҳисоботни тўлдириш осонлаштирилади [13]. Бундай рақамли ечим васийлик органларининг ишини енгиллаштириб, ҳисоботларни сақлаш ва таҳлил қилишни автоматлаштиради.

Демак, миллий қонунчилигимизга Финляндия каби давлатларнинг ижобий тажрибаларини мослаштириб киритиш мумкин. Хусусан, васийларнинг ҳисобот бериш мажбуриятини электрон шаклга ўтказиш, васийлик органларининг электрон мониторинг юритиш ваколатларини қонунда акс эттириш каби.

Юқорида тилга олинган хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш асосида, Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунни такомиллаштиришда куйидаги жиҳатларни инобатга олиш тақлифлари илгари сурилади:

1) **давлат хизматларини рақамлаштириш ва электронлаштириш.** Васийликка тайинлаш ва ҳисобот топшириш жараёнларини электрон давлат хизмати сифатида йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун қонунга электрон ариза бериш, зарур маълумотларни давлат базаларидан автоматик олиш, “бир дарча” тамойилида қарор қабул қилиш муддатларини белгиловчи қоидалар киритилиши керак. Натижада, фуқаролар хизматларни масофадан туриб олиш имкониятига эга бўладилар.

2) **оилавий тарбия ва муқобил шакллари ривожлантириш.** Қонунчиликда патронат (қабул қилувчи) оила, вақтинчалик васийлик, фарзандликка олишни рағбатлантириш каби шакллارга доир меъёрларни мустақкамлаш лозим. Ҳар бир боланинг оила муҳитида ўсиш ҳуқуқини таъминлаш учун давлат томонидан молиявий ва ташкилий кўмак чоралари (*нафақалар, маслаҳат хизматлари, васийликка номзодларни ўқитиш ва ҳ.к.*) қонун даражасида белгилаб қўйилиши зарур. Хорижий тажриба кўрсатганидек, оилавий тарбия шакллари кўллаб-қувватлаш болаларнинг ижтимоий мослашувини яхшилайти ва келгусида уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига замин ҳозирлайди.

3) **васийликка номзодларни танлаш ва тайёрлаш.** Қонун васий (*ёки ҳомий, патронат, тарбиячи*) бўлиш истагини билдирган шахсларнинг малакасини баҳолаш ва ошириш тартибини ҳам қамраб олиши керак. Масалан, васийликка даъвогар шахс учун махсус тренинг курсларини тамомлаш талабини жорий этиш мумкин (бу амалиёт бир қатор давлатларда ўзини оқлаган). Шунда васийликка олинган болалар билан муомала қилиш, уларнинг эҳтиёжларини тўғри баҳолаш ва конфликтли вазиятларни ҳал этиш каби малака ва кўникмаларни васийлар аввалдан эгаллаб, ишга масъулият билан киришадилар. Бундай механизм васийлик сифатида ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

4) **халқаро ҳамкорлик ва қарорларни ўзаро тан олиш.** Ўзбекистон келгусида халқаро конвенцияларга қўшилиш ёки чет эл давлатлари билан икки томонлама келишувлар тузиш орқали васийликка доир қарорларни ўзаро тан олиш ва болаларни қайтариш масалаларини ҳуқуқий тартибга солиши зарур. Бу, биринчи навбатда, хорижда яшаётган ўзбекистонлик етим болалар ёки ота-она қарамоғисиз қолган фуқаролар манфаатларини таъминлаш учун муҳим. Масалан, агар фуқароларимизнинг фарзанди хорижда васийликка муҳтож бўлиб қолса, мамлакатимиз консулликлари ўша давлатнинг васийлик органлари билан ҳамкорликда тезда васий тайинлаш чораларини қонун асосида амалга ошириши керак. Шунингдек, Ўзбекистонда васий тайинланган болани хорижий қариндошлари асраб олмоқчи бўлса, халқаро тартиб-қоидалар асосида иш юритилиши лозим. Қонунчилигимизни шундай механизмлар билан бойитиш уни халқаро стандартларга мувофиқлаштиради.

**Хулоса.** Юқоридаги таҳлиллар ва қиёсий маълумотлардан маълумки, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунни такомиллаштириш давр талаби ҳисобланади.

Аввало, Қонун давлат хизматлари соҳасидаги рақамлаштириш ислохотларига мос ҳолда янгиланиши зарур. Бу борада васийликка тайинлаш ва васийликка оид ҳисобот бериш амалиётларини тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, идоралараро интеграциялашган ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда маълумот алмашиш тартибини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, Қонун тарбияга муҳтож болаларнинг оилада улғайиш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилувчи меъёрларга эҳтиёж сезмоқда. Патронат ва васий оила институтларини ривожлантириш, васийликка номзодларни тайёрлашни йўлга қўйиш, васийликка олинган болалар манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш лозим. Халқаро тажриба ва илмий таҳлиллар мазкур чоралар болаларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камолоти учун зарур шароит яратишини тасдиқламоқда.

Шундай экан, миллий қонунчиликка таъкидланган ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш орқали васийлик ва ҳомийлик тизимини янги босқичга олиб чиқиш мумкин. Бунда болалар ҳуқуқларини кафолатлаш, фуқароларнинг эҳтиёжларини тезкор қондириш ва халқаро мажбуриятларга мувофиқ сиёсат юритиш мақсадларига эришилади. Зеро, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуннинг такомиллаштирилиши Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий адолат ва инсонпарварлик тамойилларига содиқ эканлигини яна бир бор намоён этади.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 22.10.2021 й., 03/21/723/0983-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон (National Database of Legislation, 21.04.2021, No. 03/21/683/0375., 12.04.2023, No. 03/23/829/0208)
2. <https://lex.uz/uz/docs/5971599?ONDATE=27.12.2025&action=compare>
3. <https://thedailyrecord.com/maryland-family-law/2025/06/25/protecting-the-vulnerable-or-automating-harm-ais-double-edged-role-in-spotting-abuse/>
4. Чориева Х. (2024). Ўзбекистон республикасида васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини такомиллаштириш истиқболлари. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук Actual Problems of Humanities and Social Sciences., 4 (12), 460–468. (Chorieva H. (2024). Prospects for improving the rights and obligations of guardianship and patronage bodies in the Republic of Uzbekistan. Actual Problems of Social and Humanities Actual Problems of Humanities and Social Sciences., 4 (12), p.p. 460–468)
5. Саттарова, А. И. Проблемы устройства ребенка, оставшегося без попечения родителей, на усыновление и в приемную семью / А. И. Саттарова. — Текст : непосредственный // Новый юридический вестник. — 2023. — № 2 (41). — С. 36-39. (Sattarova, A. I. Problems of placing a child left without parental care for adoption and in a foster family / A. I. Sattarova. - Text: direct // New Law Bulletin. - 2023. - No. 2 (41). - P. 36-39.)
6. <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/convention-rights-child>
7. <https://www.sos-childrensvillages.org/getmedia/4972cb2e-62e1-4ae8-a0bc-b0e27fe3ea97/101203-UN-Guidelines-en-WEB.pdf>
8. <https://cabar.asia/en/how-the-orphanhood-problem-in-uzbekistan-can-be-solved>
9. Садуллаев Қ.Ю. Халқарохусусий ҳуқуқда жисмоний шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда васийлик ва ҳомийликнинг белгиланиши // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2021). Б. 43-48. (Sadullaev K.Yu. Determination of guardianship and patronage in the protection of the rights of an individual in private international law // Lawyer’s Herald – Lawyer Herald. No. 4 (2021). P. 43-48.)
10. <https://social.desa.un.org/issues/disability/crpd/convention-on-the-rights-of-persons-with-disabilities-crpd>

11. <http://www.inclusion-europe.eu/the-european-union-must-urge-member-states-to-eliminate-guardianship-regimes/>
12. <https://www.demoscope.ru/weekly/2014/0609/tema04.php>
13. <https://dvv.fi/en/guardianship-for-a-minor>

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

### JOURNAL OF LAW RESEARCH

#### Taqdim etilayotgan maqolalarga qo'yilgan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida qabul qilinadi va Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan bo'lishi shart. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
2. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni va e-mail, uchinchi qatorda sahafaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
3. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida kamida 60 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
4. Keyingi qatordan 6-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
5. Keyingi qatordan asosiy matn umimiy so'zi minimal 2000 ta bo'ladi.
6. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim va havolalar asosiy matnda bo'lishi kerak [1, B.25].
7. Maqolada keltirilgan dalillarning to'g'riligi uchun muallif mas'ul, plagiat holati taqiqlanadi.
8. Web of science, Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.

#### Требования к оформлению научной статьи:

1. Статья принимается на узбекском, английском и русском языках и должна быть оформлена в Microsoft Word шрифтом Times New Roman, размер 12, межстрочный интервал — 1, поля со всех сторон — 2 см. Абзацный отступ — 1,25 см; выравнивание по ширине и переносы слов должны быть включены автоматически.
2. В первой строке справа указываются фамилия, имя и отчество автора; во второй строке — место работы автора, должность, ученая степень и звание, а также e-mail; в третьей строке по центру страницы крупным и жирным шрифтом — название статьи. Эти сведения должны быть приведены на узбекском, английском и русском языках.
3. Ниже дается аннотация на узбекском, английском и русском языках, содержащая не менее 60 слов на каждом языке.
4. Далее приводятся 6–10 ключевых слов на узбекском, английском и русском языках.
5. Далее основной текст: общий объем текста должен быть не менее 2000 слов.
6. Полный список литературы должен быть приведен после основного текста в алфавитном порядке; ссылки должны присутствовать в основном тексте в формате [1, C.25].
7. Автор несет ответственность за достоверность приведенных в статье доказательств; плагиат запрещен.
8. Рекомендуется цитирование журналов из база данных Web of Science и Scopus.

#### Requirements of the articles submitted:

1. Articles are accepted in Uzbek, English and Russian and must be prepared in Microsoft Word using Times New Roman font, size 12, single line spacing, with 2 cm margins on all sides. First-line indent is 1.25 cm; text should be justified and word hyphenation/line breaks set to automatic.
2. In the first line on the right: the author's surname, given name and patronymic; in the second line: the author's affiliation, position, academic degree and title, and e-mail; in the third line centered on the page: the article title in bold and uppercase (or bold). These details must be provided in Uzbek, English and Russian.
3. Next, provide an abstract in Uzbek, English and Russian of at least 60 words in each language.
4. Next, provide 6–10 keywords in Uzbek, English and Russian.
5. Next, the main text: total word count must be at least 2000 words.
6. The full list of references must appear after the main text in alphabetical order, and citations should appear in the main text in the format [1, P.25].
7. The author is responsible for the accuracy of the evidence presented in the article; plagiarism is prohibited.
8. It is advisable to include citations from journals indexed in Web of Science and Scopus.